
ДУНЁНИГ ТАНИҚЛИ ОШПАЗЛАРИ ҲАМДА ГАСТРОНОМИК СОҲАГА ИХТИСОСЛАШГАН БЛОГЕР-ИНФЛЮЕНСЕРЛАР ИШТИРОКИДА “ФАРФОНА ГАСТРОНОМИК ФЕСТИВАЛИ” ЎТКАЗИЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Туркиядаги World Tourism Forum Institute ҳалқаро туризм ташкилоти раҳбари Булат Бағжи ҳамда туризм соҳасида фаолият кўрсатувчи ишбилармон Муаттар Эргенни қабул қилди.

Лондон ва Дубай шаҳарларида ҳам ўз ваколатхонасига эга бўлган, 60 дан зиёд давлат билан туризм соҳасида ҳамкорлик қилаётган World Tourism Forum Institute раҳбари билан ўтказилган учрашувда Фарфона вилоятида туризмни янада ривожлантириш, вилоят имижини ҳалқаро миқёсда танитиш, туризм инфратузилмаси соҳасига хорижий инвесторларни жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув давомидаги музокаралар натижасида Фарфонада жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Michelin Guide ҳалқаро ресторонларни баҳолаш тизими томонидан эътироф этилган дунёning таниқли ошпазлари ҳамда гастрономик соҳага ихтинослашган блогер-инфлюенсерларни ҳам жалб этган ҳолда “Фарфона гастрономик фестивали”ни ҳамкорликда ташкил этиш, шунингдек, сентябрь ойида ҳалқаро туризм ҳамда сервис компаниялари, авиакомпаниялар раҳбарлари иштирокида Мастер-класс ўтказиш борасида келишиб олинди.

Шунингдек, вилоятимизга ҳалқаро меҳмонхона брендларини жалб этиш бўйича ҳам ҳамкорликда иш ташкил этиладиган бўлди.

Муаттар Эрген билан ҳамкорликда вилоятимизда ҳаво шарлари туризмини ташкиллаш, шунингдек, туризм соҳасида туркиялик ва қатарлик инвесторларни жалб этиш бўйича аниқ режалар белгилаб олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-06-21 11:38:38